


ТАСДИҚЛАЙМАН
“Электрон ҳукумат” маркази
директорининг ўринбосари

 Ш.Каюмов

2017 йил __ март

Хўжалик бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ихтисослашган таркибий бўлинуллар раҳбарлари учун ўтказиладиган ҳафталик коллегиал семинар йиғилиш
2-СОН БАЁНИ

2017 йил 28 март

Тошкент шаҳри

Ранслик килувчи: Насруллаев И.Э. –“Электрон ҳукумат” марказининг Ихтисослаштирилган таркибий бўлинуллар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи.

Иштирок этганлар: Хўжалик бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича ихтисослашган таркибий бўлинуллар раҳбарлари ва бириктирилган масъул ходимлар, жами 23 та ташкилотдан 30 киши (рўйхат бўйича, 1-илова);
“Электрон ҳукумат” маркази Ихтисослашган таркибий бўлинуллар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти ходимлари.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти фаолияти ҳақида маълумот ва “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш ва ихтисодий самарадорликни оширишнинг истиқболли йўналишлари ва устувор вазифалари таҳлили ;
2. “Ўзбекнефтегаз” МХК даги электрон хизматлар;
3. Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини тўлдириш аҳамияти.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти Ахборот-коммуникация технологиялари хизмати бўлим бошлиғи Шамил Нигматуллин сўзга чиқиб “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти фаолияти

тўғрисида ва жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тақдимот килди.

Жумладан:

1. “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти умумий фаолияти ҳақида тушунтириш берилди ;
2. Қўмир савоати , фаолият бўйича инвестицион лойиҳалар ва 2017-2021 йилга мўлжалланган режалари ҳақида маълумот берилди ;
3. 2014-2018 йилларда “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва уларнинг асосий мақсади ҳақида маълумот берилди;
4. “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятида ERP ахборот тизимини жорий этиш босқичлари, лойиҳанинг асосий мақсади ва унинг самарадорлигини ҳақида маълумот берилди;
5. “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти Ангрен кесимида марказлашган диспетчерлик назорати автоматлаштирилган ахборот тизими ҳақида тушунтириш берилди ;
6. Мазкур жамиятга ПҚ -2569 да белгиланган лойиҳалар ҳақида умумий маълумот тақдим қилинди;

Шунингдек, тақдимот сўнгида мазкур жамият олдида турган вазифалар тўғрисида маълумот берилиб тақдимот якунланди.

Тақдимот мавзуси бўйича турли масалалар муҳокама қилинди. Тақдимот юзасидан семинар иштирокчилари ўзларининг қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилишди. Жумладан, “Ўзбекчармпоябзали” уюшмаси, “Ўзбекнефтегаз” МХК, “Кафолат суғурта компанияси” АЖ, “Агробанк” АТБ дан қатнашган ходимлар тақдимот бўйича савол-жавобларда фаол қатнашишди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компаниясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришни мувофиқлаштириш соҳа маркази бўлим бошлиғи Эркин Азадаев “Ўзбекнефтегаз” МХКда электрон давлат хизматлари бўйича тақдимот килди.

Жумладан :

1. Ўзбекистонда нефтегаз соҳасининг тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди ;
2. Компаниянинг ташкилий тузилмаси ҳақида маълумот берилди;
3. Компаниянинг халқаро ҳамкорлик алоқалари билан таништирилди;
4. Компаниянинг давлат ва тармоқ хизматлари ҳақида маълумот берилди;
5. Ягона Интерактив Давлат Хизматлари портали ва компания расмий веб-сайти орқали қўрсатилётган электрон хизматлари ҳақида маълумот берилди;

6. Фуқароларнинг Компания раисининг виртуал қабулхонаси ва ишонч телефонлари орқали юбораётган мурожаатларининг ҳолати ва асосий муаммолари бўйича маълумот берилди;

Тақдимот мавзуси бўйича компанияда давлат хизматлари хатловининг натижалари ва хизматларни реестрга киритиш ҳолати, газ таъминоти, бензин учун белгиланадиган нархлар, бензин таъминоти ва шу каби турли масалалар муҳокама қилинди. Мавзу юзасидан "Қишлоққурилишбанк" АТБ, "Агробанк" АТБ дан қатнашган ходимлар саволлар билан мурожаат қилишди.

Кун тартибдаги учинчи масала юзасидан "Электрон ҳукумат" тизимни ривожлантириш марказининг Ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Икромжон Насруллаев Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини тўлдириш аҳамияти ҳақида тақдимот қилди.

Жумладан :

1. Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил тушунтириш берилди;
2. Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантириш бўйича ҳукумат топшириқлари билан таништирилди;
3. Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестрини шакллантиришнинг асосий мақсади ва муҳимлиги ҳақида маълумот берилди;
5. Бошқарув жараёнидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар алоҳида таъкидлаб ўтилди;
6. Давлат хизматлари ягона реестрини юритиш бўйича қўшни мамлакатларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди;
7. Давлат хизматлари ягона реестрини юритишда лидер давлатлардаги ҳолат ҳақида тушунтириш берилди;

Қўтарилган масалалар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар, билдирилган тахлиф, фикр ва мулоҳазалар асосида семинар йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамиятига ПҚ-2569 да белгиланган лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилиши назоратга олинсин;
2. "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компаниясига ПҚ-2569 да белгиланган лойиҳаларини амалга оширишдаги кечикишларни бартараф этиш чораларини кўриш инobatга олинсин;

лойиҳаларини амалга оширишдаги кечикишларни бартараф этиш чораларини кўриш инobatга олинсин;

3. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Ўзбекнефтегаз" МХК, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сонли қарори 1-иловасига асосан белгиланган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрини Электрон лицензиялаш порталига тўлиқ киритилиши бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилсин;

4. Хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилиши мажбурий бўлган, тасдиқланган маълумотлар рўйхатига мувофиқ Очик маълумотлар порталидаги маълумотлар тўпламларини янгилаб борилиши таъминлансин;

5. Хўжалик бошқаруви органларига ПҚ-2569 да белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш кучайтирилсин;

6. Хатлов натижасида шакллантирилган хизмалар рўйхати Давлат хизматлари, шакл ва бланкалари Ягона реестрга киритиш тизимли ташкил этилсин.

Баёни олиб борувчи



Ш.Ш.Эрматов



28.03.2017 й. кунини ўтказилган "Ҳафталик коллегиял семинар"да вакиллари иштирок этган хўжалик бошқаруви органлари

РЎЙХАТИ

№	Ташкилотлар
1	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
2	"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ
3	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК
4	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
5	"Ипотека-банк" АТИБ
6	"Қишлоққурилишбанк" АТБ
7	"Асака" АТБ
8	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ
9	"Микрокредитбанк" АТБ
10	"Ўзбекинвест" ЭИМСК
11	Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси
12	"Қафолат сўғурта компанияси" АЖ
13	"Ўзагросўғурта" АЖ
14	"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси
15	"Ўзфармсаноат" АК
16	Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши
17	"Агробанк" АТБ
18	"Ўзбекозиковқатзахира" уюшмаси
19	"Ўзбекқўмир" АЖ
20	Ўзбекистон металлургия комбинати
21	"Ўзбекнефтгаз" МХК
22	"Тошрангмет завод" АЖ
23	"Дори-Дармон" АК